РЕСПУБЛИКАМИЗ 2 МИЛЛИОН 500 МИНГ ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 212 (1474)
27 ОКТЯБРЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи бўлган СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

Яшасин мамлакатларимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчи бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан.)

Ленинча миллий сиёсатнинг буюк ҳаётбахш кучи

Бугун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига 35 йил тўлди. СССР халқларининг қардошлик оиласида муносиб ўрин олган ўзбек халқи ўз республикасининг 35 йиллигини коммунистик жамият қурилишининг улуғвор программаси бўлган етти йиллик планнинг биринчи йилини мамлакатимиз меҳнаткашлари томонидан муваффақиятли равишда амалга ошираётган бир вақтда нишонламоқда.

Етти йилликнинг биринчи йили совет кишиларини, қудратли социалистик лагерь мамлакатлари халқлари ва бутун прогрессив инсониятни гоят қувонтирмоқда. Бу йил мамлакатимиз ўз тараққиётининг юксак босқичига парвоз қилишда буюк ғалабаларни қўлга киритган йил бўлади.

Инсоният тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси эксплуатация ва миллий зулм кишанларини абадий парчалаб ташлади. Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати СССРда яшовчи барча халқларга янгича яшаш, янгича ҳаёт қуриш ва ижод қилишнинг порлоқ йўлини кўрсатиб берди. Бизнинг мамлакатимизда тарихда биринчи марта халқларнинг иқтисодий ва миллий тенгсизлиги йўқ қилинди. Бу вазифа социалистик миллатларнинг яқиндан ҳамкорлиги, уларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдами билан ҳал қилинди. Бунда шубҳасиз, улуғ рус халқи, рус ишчилар синфи ҳал қилувчи роль ўйнади. Ленинча миллий сиёсат туфайли СССР халқларининг қардошлик оиласига кирган барча миллат ва ирқлар хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида буюк тараққиётга эришдиларки, бундай тараққиётни ҳали кишилик тарихи кўрган эмас.

Октябрь социалистик революциясига қадар Ўзбекистон чор Россиясининг қолоқ мустамлака ўлкаси эди. Чор Россияси ўлканинг иқтисодий тараққиётини зўрма-зўраки тўхтатиб, уни рус капиталистларининг саноати учун ҳархил ҳомашё, биринчи навбатда пахта етказиб берувчи мустамлака бўлишга маҳкум этган эди. Чоризмнинг бу ерда олиб борган миллий сиёсати деспотизм, шовинизм, қул қилишга асосланган эди. Ўзбек халқи бошқа маҳаллий халқ меҳнаткашлари сингари сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсиз эди. Хуллас чор Россияси миллий зулм ўчоғи «халқлар турмаси» эди.

Ўзбекистон территориясининг Россияга қўшилиши буюк прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ўлкада ишлаб чиқариш кучлари ўсди, Ўзбек халқи улуғ рус маданияти, санъати, адабиёти билан танишди. Ўзбекистон территориясининг Россияга қўшиб олинишининг муҳим томони шундаки, ўзбек халқи марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш таълимоти билан қуролланган энг илғор, революцион синф бўлган рус ишчилар синфи каби қудратли раҳбарга ва иттифоқчига эга бўлди. Ўзбек халқи ўз тақдирини улуғ рус халқининг тақдири билан боғлаб, Октябрь социалистик революциясининг голиб байроғи остида бирлашди ва Коммунистик партия раҳбарлигида помешчик ва капиталистлар, бойлар, амирлар, хонлар ҳокимиятини ағдариб ташлади.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги ва улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами туфайли, Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида тобора гуллаб-яшнаётган социалистик республикага айланди. Ўзбекистон ССР ташкил бўлгандан бери саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 50 мартадан кўпроқ ўсди. Шуниси ҳарактерлики, унинг саноати марказий районлардагига қараганда юқори суръатлар билан ривожланди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётган республикамиз саноат корхоналарининг коллективи етти йилликнинг биринчи йили ўн ойлик планини муддатидан олдин бажардилар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам катта муваффақиятларга эришди. Республикамиз СССРда етиштирилаётган пахтанинг учдан икки қисмини бермоқда. Ҳозир Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта Миср, Эрон, Туркия, Афғонистонни бирга қўшиб олганда, уларнинг ҳаммасида етиштириладиган пахтадан кўпдир. Қишлоқ хўжалигининг азамат меҳнаткашлари етти йилликнинг биринчи йилини давлатга дон, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл тери, пилла ва каноп сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш билан нишонладилар. Бу йил она-Ватанга 3 миллион 50 минг тонна «оқ олтин» сотиш учун фидокорона меҳнат қилаётган республикамиз меҳнаткашлари шу кунгача 2,5 миллион тонна пахта тайёрладилар.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари фан ва маданият соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди.

Етти йиллик план Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошираётганлигининг янги ёрқин далилидир. Етти йилликда республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун 36 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1965 йилга тахминан 1,8 марта кўпаяди. Республикамиз бундан буён ҳам мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади.

Республикамиз меҳнаткашлари каби областимиз меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 35 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар. Тошкент саноат корхоналари 1959 йилнинг ўн ойлик планини 21 октябрдаёқ бажарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 7,3 процентга ўсди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Совет ҳокимияти йилларида эришган бу муваффақиятларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ғамхўрлигининг буюк натижасидир, оғамиз улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқлар дўстлиги идеологиясининг, пролетар интернационализм идеологиясининг зўр тантанасидир.

Самимий мактуб

СССР Олий Совети Президиуми раиси К. Е. Ворошилов ва СССР Министрлар Совети раиси, КПСС Марказий Комитети Биринчи секретари Н. С. Хрушчев ўртоқлар Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунинг ўн йиллиги муносабати билан ГДР Президенти В. Пик, Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Ульбрихт, ГДР Бош Министри О. Гротеволь ўртоқларга фабрик телеграммалари юборган эдилар.

Шу йил 23 октябрда К. Е. Ворошилов ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар номига ГДР дан жавоб телеграммаси олинди. Унда шундай дейилади:

«ГДР ташкил топган кунинг ўн йиллиги муносабати билан бизларга йўллаган самимий табрикларингиз учун Сизларга ва бутун совет халқига шахсан ўз номимиздан ҳамда Германия Демократик Республикасининг бутун аҳолиси номидан энг қизғин ташаккур изҳор қиламиз.

Сизларнинг ва бутун совет халқининг коммунизм қурилишини кенг авж олдиришда ва бутун дунёда тинчликни сақлаш йўлидаги курашда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувингизни чин қалбимиздан тилаймиз».

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЧОРВА МОЛ ВА ПАРРАНДА ГЎШТИДАН МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети чорва мол ва паррандалар гўштидан маҳсулот тайёрлашни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани қараб чиқдилар ва шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда кейинги йилларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида амалга оширилган катта тадбирлар чорва моллар тайёрлашни, саноатда гўшт чиқаришни анча кўпайтириш ҳамда аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш имконини берди, деб қайд қилдилар.

Шу билан бирга қарорда чорва мол ва парранда гўштидан маҳсулот тайёрлашни уюштиришда жиддий камчиликлар борлиги таъкидланади.

Бир қанча область, ўлка ва республикаларда гўшт комбинатлари ва холодильниклар қурилиши сust бормоқда ва жамоат чорвачилигининг ривожланишидан кейинда қолмоқда. Бу ҳол чорва моллари ва паррандаларни ўз вақтида қабул қилиб олиш ва уларнинг гўштидан маҳсулот тайёрлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келтиради. Матлубот кооперацияси, маҳаллий саноат системасида гўштдан маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар ва холодильниклар, шунингдек чорва мол ва парранда гўштидан маҳсулот тайёрловчи колхоз ва колхозаро корхоналар жуда кам қурилмоқда.

Гўшт саноати технология асбоблари ва хусусан совуқ ҳолда сақлайдиган асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминланмаётир. Бу эса, янги гўшт комбинатлари ва парранда комбинатларини ишга туширишни ва ишлаб турган комбинатларни техника билан таъминлашни кечиктиради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети чорва мол ва паррандаларни қабул қилиш ва уларнинг гўштидан маҳсулот тайёрлаш ишларини уюштиришни кескин суратда яхшилаш пайти келди, деб қисоблайди. Ишлаб чиқариш қуввати унча кўп бўлмаган, тежамли, техника билан таъминланган, гўшт маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналарнинг кенг шохобчаларини қисқа вақт ичида вужудга келтириш ва озатда чорва моллар ва паррандалар етиштириладиган ҳамда боқиб семиртириладиган жойларда, шунингдек кўп истеъмол қилинадиган марказларда уларнинг гўштидан маҳсулот тайёрлашни таъминлаш ва бу билан чорва моллари ҳозир жойларга ортиқча ташиб олиб боришга йўл қўймаслик зарур. Мамлакатда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлида қизиб кетган ҳаракати гўшт саноатининг янги корхоналарини ва холодильникларни қуришни тезлаштириш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш юзасидан зарур чораларни ҳозирданоқ кўришни талаб этади, токи чорва моллар ва паррандалар гўштидан маҳсулот тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳақида етти йиллик планда белгиланган топшириқ муддатидан илгари бажарилсин.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советлари ижроия комитетларига ҳамда халқ хўжалиги кенгашларига 1960—1963 йилларда чорва моллар ва паррандалар гўштидан маҳсулот тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқариш қувватларини 1959—1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўзда тутилган ҳажмда ишга туширишни топшердилар. Бунинг учун давлатнинг гўштдан маҳсулот тайёрловчи янги корхоналарини қуриш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва уларни техника билан таъминлаш лозим. Шу билан бирга, чорвачилик ва товар-паррандачилик тез ривожланиб бораётган районларда, биринчи галда Шимолий Кавказ, Украина, Молдавия, Ғарбий Сибирь, Урал ва Қозогистон районларида гўшт комбинатлари қурилишини, улар ҳузурида парранда гўштидан маҳсулот тайёрловчи цехлар қурилишини ва парранда гўштидан маҳсулот тайёрловчи корхоналар қурилишини тезлатиш таклиф қилинди.

Гўштдан маҳсулот тайёрлайдиган янги корхоналар ва холодильниклар қурилиши икки йилдан кечиктирилмай амалга оширилиши лозим.

Гўштни ва тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни сақлаш учун керакли шароит вужудга келтириш мақсадида иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига, Центросоюзга ва халқ хўжалиги кенгашларига 1960—1965 йиллар мобайнида холодильниклар ҳажмини 2,3 баравар кўпайтиришни таъминлаш, ишлаб турган муҳоналар қувватини анча ошириш, тез музлатадиган аппаратларни кўпроқ қўлланиш ва блокларда гўшт тайёрлашни кескин суратда кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди.

Чорва моллари узоқ масофага ва ўринсиз ташишни қисқартиш гўштдан маҳсулотлар тайёрловчи корхоналарни ишга туширишни тезлатиш ва уларнинг қимматини камайтириш мақсадида бундан буён, асосан, бир сменада 30—50 тонна гўштдан маҳсулот тайёрловчи гўшт комбинатлари қуриш, маҳаллий шароитга қараб 50—150 километр доирада чорва моллар келтириш зарур деб топилди. Матлубот кооперацияси ва маҳаллий саноат системасида гўштдан маҳсулот тайёрловчи кичик корхоналар ва чорва мол ҳамда паррандалар сўйиш пунктлари қурилишини, шунингдек колхоз ва колхозлараро гўшт корхоналари қурилишини анча кенгайтириш мўлжалланди. Бундан мақсад — колхоз ва совхозларнинг ҳар бир жойининг ўзида чорва мол ва парранда гўштидан маҳсулот тайёрлай олишлари учун имконият вужудга келтиришдир.

Гўшт маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар қурилиши одатда типовой проектларга мувофиқ олиб борилиши керак.

СССР Госстройига гўшт комбинатлари ва парранда комбинатларининг типовой проектларини ишлаб чиқиш юзасидан конкурс ўтказиш таклиф қилинди. Янги типовой проектларни ишлаб чиққан пайтда корхоналарни кенгайтириш ва гўшт комбинатларини озиқ-овқат саноатининг бошқа корхоналари билан бирга бир майдонда қуриш имкониятини вужудга келтириш, унификация қилинган стандарт йиғма темир-бетон конструкцияларини қўлланиш, ишлаб чиқариш процессларини ва транспорт операцияларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни, шунингдек маҳаллий шароитларни эътиборга олиб колбаса ва кулинария маҳсулотлари, гўшт ярим фабрикатлари ва тортиб ўраб қўйиладиган гўшт тайёрлашни уюштириш кўзда тутилиши лозим.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари 1960—1963 йилларда ишлаб чиқариш қувватини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажарини учун зарур бўлган технология ва совуқ ҳолда сақлаш асбобларини тайёрлаш, гўшт саноати ва парранда гўштидан маҳсулот тайёрловчи саноат корхоналарига етказиб берилишини таъминлашлари лозим. Технология асбоб-ускуналари янги турларининг тажриба нусхаларини тайёрлаш ва уларни кўплаб ишлаб чиқариш мўлжалланди.

Гўшт саноати корхоналари учун керакли технология асбоблари ва совуқ ҳолда сақлайдиган установкалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва холодильниклар қуриш мақсадида бир қанча машинасозлик заводларини реконструкция қилишни, кенгайтиришни ва ихтисослаштиришни кўзда тутган тадбирлар тасдиқланди.

Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия Комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советлари ижроия комитетлари ҳамда халқ хўжалиги кенгашлари давлатга сотиш ва топшириш учун мўлжалланган чорва молларни колхоз ва совхозларда боқиб семиртириш ишларини кескин суратда яхшилашлари ва яхши боқилмаган, ориқ молларни, хусусан вазни кам бўлган ёш молларни сўйиш учун топширишга йўл қўймасликлари керак. Гўштидан маҳсулот тайёрлаш учун топшириладиган чорва молларнинг ёш ва вазн кондициялари маҳаллий шароитларга мувофиқ белгилансин; **аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлаш ва гўшт саноатининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш** учун шароит вужудга келтириш мақсадида бутун йил мобайнида бир меёрда гўшт етиштириш, колхоз ва совхозларнинг давлатга чорва мол ва паррандаларни бир меёрда сотишлари ва топширишлари таъминлансин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари совутилган ва тортиб ўраб қўйиладиган гўшт сотишни кенгайтириш, савдо шохобчаларида сунъий совутишни кенг қўлланиш ва гўшт ҳамда гўшт маҳсулотлари сотиладиган ихтисослаштирилган магазинлар сонини кўпайтириш чораларини кўришлари лозим.

Гўштдан маҳсулот тайёрлаш учун чорва моллари бир меёрда етказиб беришни таъминлаш учун республикаларда, ўлкаларда ва областларда давлат йўли билан харид қилинадиган чорва моллар боқиб семиртириладиган ихтисослаштирилган хўжаликларни ташкил этиш, шу жумладан йирик гўшт комбинатлари зоналарида чорва моллар тўпланадиган базаларни вужудга келтириш, чорва мол ва парранда гўштидан маҳсулот тайёрловчи корхоналарга чорва мол ва парранда етказиб бериш ойлик графикларини тасдиқлаш тавсия қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети областлар, ўлкалар ва республикаларнинг партия, совет органларини ҳамда касаба союз ташкилотларини гўшт индустриясини янада юксалтириш ва аҳолини гўшт ҳамда гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун гўшт саноати ходимларининг социалистик мусобақасини авж олдиришга чақирдилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг Руминия Халқ Республикасида бўлиши

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети ва Буюк Миллат мажлиси Президиумининг таклифига биноан ғайри расмий визит билан 19 октябрдан 25 октябргача Руминия Халқ Республикасида бўлди ва бу ерда қисқа муддатли истироҳат қилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Руминия Халқ Республикасида бўлган вақтида республиканинг партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашди ҳамда суҳбатлашди, бу учрашув ва суҳбатлар гоят самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Н. С. Хрушчев мамлакатнинг диққатга сазовор бир қанча жойларини бориб кўрди. Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Г. Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Киву Стойка, Руминия Халқ Республикаси Буюк Миллат мажлиси Президиумининг Раиси Ўртоқ Ион Георге Маурер ҳамда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва республика ҳукуматининг бошқа аъзолари, шунингдек СССРнинг Руминия Халқ Республикасидаги элчиси Ўртоқ А. А. Епишев Ўртоқ Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлдилар.

24 октябрда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети, Руминия Халқ Республикаси ҳукумати ва Буюк миллат мажлиси Президиуми Ўртоқ Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат бердилар. Зиёфатда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, ҳукуматнинг, Буюк Миллат мажлиси Президиумининг аъзолари ҳамда республика партия ва давлат органларининг бошқа раҳбарлари, шунингдек СССРнинг Руминия Халқ Республикасидаги элчиси А. А. Епишев ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Н. С. Хрушчев билан Руминия Халқ Республикасининг партия ва давлат арбоблари ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди. Г. Георгиу-Деж ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

25 октябрда Н. С. Хрушчев Бухарестдан жўнаб кетди ва шу куниёқ Москвага келди. (ТАСС).

Ўн ойлик план бажарилди

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги куни шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10 ойлик топшириғини муддатидан олдин — 21 октябрда тўла адо этдилар.

Ой охиригача пландан ташқари яна бирнеча миллион сўмлик турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш мажбуриятн олинди.

Яна уч колхоз маррага етди

МИРЗАЧЎЛ, (Телефон орқали олинди). Гулистон районининг яна 3 хўжалиги пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Ҳосил, айниқса, Карл Маркс номли колхозда мўл бўлди. Пахтакорлар ҳозирга қадар 3 минг 361 тоннадан ортиқроқ «оқ олтин» йиғиб давлатга сотдилар. Ички имкониятлар ҳисобга олиниб, бундан буён яна 1 минг 639 тонна пахта тайёрлашга қарор қилинди.

Райондаги «Москва» колхозининг аъзолари ҳам 709 гектар ердан 1300 тонна ҳосил йиғиб олиб, йиллик планни ортиғи билан бажардилар. Пахтакорлар Октябрь байрами кунигача яна камида 250 тонна пахта тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

«XXI партсъезд» колхози районнинг кенжа хўжаликларидан бири. Колхоз аъзолари бу йил 302 гектар ерга чигит экиан эдилар. Ана шу майдонлардан шу кунгача 442 тонна «оқ олтин» йиғиб олиниб план бажарилди.

26 ОКТЯБРГАЧА ҚАНЧА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ

РАЙОНЛАР БУЙИЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш		Мавсум бошидан бери	
	Ҳаммаси	Машина билан	Ҳаммаси	Машина билан
Қуйи Чирчиқ	2,32	4,60	96,51	152,17
Пискент	1,84	3,12	94,14	113,79
Гулистон	1,37	0,81	93,05	74,59
Сирдарё	1,32	1,22	87,53	85,24
Боёвут	1,24	1,28	87,37	70,68
Бўка	1,75	1,73	85,65	85,11
Юқори Чирчиқ	1,79	—	85,34	100,33
Оққўрғон	1,52	2,43	83,70	96,54
Бекобод	1,49	1,26	81,02	51,18
Оржоникидзе	1,80	1,40	80,60	89,00
Чиноз	1,69	2,86	80,00	120,25
Ўрта Чирчиқ	1,40	5,70	78,08	86,08
Янгийўл	1,82	0,89	77,58	96,00
Жами	1,55	2,10	84,80	87,88

СОВХОЗЛАР БУЙИЧА

Бушуев номли	1,57	5,00	140,71	187,00
«Бўка»	2,28	2,50	134,03	170,00
4- «Вревский»	1,28	—	124,20	—
«Малик»	1,56	1,93	105,63	106,43
«Мирзачўл»	0,32	0,50	104,24	91,50
«Гулистон»	0,67	0,75	101,75	195,50
«Социализм»	1,43	1,12	97,05	80,56
«ЎзССР беш йиллиги»	2,09	4,27	93,34	147,07
«Чаноқ»	1,55	—	92,49	12,43
«Оққўрғон»	1,50	0,82	90,32	102,59
«Пискент»	1,84	3,71	85,58	99,28
1- «Боёвут»	1,26	0,42	85,07	82,35
3- «Боёвут»	1,20	2,09	80,22	82,18
4- «Боёвут»	1,19	1,77	79,97	54,09
1- «Далварзин»	1,28	0,52	78,09	46,83
Киров номли	1,14	2,46	76,00	123,69
2- «Далварзин»	1,38	1,00	73,99	52,51
«Дружба»	0,75	3,00	71,70	83,67
«Фарҳод»	1,71	0,42	69,84	23,00
Жами	1,40	1,67	86,99	93,17

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар

Колхозлар, совхозлар ва бригадалар	Қўшимча олган мажбурияти (тонна ҳисобида)
Боёвут районидаги Ленин номли колхознинг Ўртоқ **М. Маъмуров** бошлиқ бригадаси	96
Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг Ўртоқ **К. Тожибоев** бошлиқ бригадаси	80
Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг Ўртоқ **А. Хўжаев** бошлиқ бўлими	400
Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг Ўртоқ **Югай А.** бошлиқ бўлими	550

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИГА



Бугун Совет Ўзбекистонининг ташкил этилганига 35 йил тўлди. Суратда: Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги қизил майдон.

В. Салов фотоси.

Партиямиздан миннатдормиз

Мен республикамизнинг 35 йиллик тарихини эсласам колхозимизнинг қадимий қиёфаси, нообод Дўрмон, Қибрай қишлоқлари, шу ердаги майда тарқоқ якка хўжаликлар ёдимга тушади.

Эндиликда эски тарқоқ хўжаликлар ўрнида ҳар жиҳатдан мустаҳкамланган гигант коллектив хўжалик пайдо бўлди. Ҳозир колхозда 1900 гектар пахта майдони, 540 гектар боғ бор. Колхозимизнинг умумий ер майдони 4700 гектарга етди. Колхозимизда сабзавотчилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари бир текис ривожланмоқда. Шунинг учун биз бу йил ишлаб чиқариш планига муваффақ барча тармоқлардан 32 миллион сўм даромад олишни мўлжалламоқдамиз.

Колхозимиз ҳар жиҳатдан ривожланиб, катта даромадлар олинаётгани туфайли қадимий нообод қишлоқларнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Янги кўркам ва ҳашаматли бинолар қад кўтармоқда. Фақат кейинги беш йил ичида жамоат бинолари — интернат, ҳаммом, водопровод, пилла комбинати, колхозчиларга турар-жойлар ва бошқа бинолар қуриш учун 22 миллион сўм сарфланди.

Колхозимизни гуллатиб яшнатаётган колхозчиларимизнинг моддий-фаровонлиги ҳам ошди. Улар энди янги, чиройли уйларда фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Илгари ичкарининг қули бўлган хотин-қизларимиз колхоз ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар.

Ўзбекистон 35 йил давомида шарқдаги машъал бўлиб қолди. Унинг шаҳарлари ва қишлоқлари бутунлай ўзгариб кетди. Биз бунга шонли партиямизнинг ленинча миллий сиёсати туфайли эришдик. Ўзбекистон 15 та қардош республикалар оиласининг тенгҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди. Шунинг учун биз колхозчилар партиямиздан чексиз миннатдормиз.

А. МАТҚОБУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* *

ОИБЕК

ЎЗБЕКИСТОН

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивиллар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувуллайди.
Дердиларки: «унинг руҳи инжиқ ва ҳаста»,
Бироқ, томчи қони унинг бир кулча олтин!
Уқа билан тортиб сотган афсоналари,
Аччиқ, дудли фалсафанинг кутубхонасин
Совет шарқи ёқди... ёнди у эски латта,
Совет шарқи тўлқинини кўринг — бу ҳаёт!
Тебратади ўлкани иш — бахтнинг ўз қўли,
Очилгандир тарихларнинг энг улуғ йўли.
Ҳазинасин очиб берган қири, тоғ, чўли,
Бутун шарқда ёзажак у шафақдан қанот.
Болғалар-ла парчаланди уйқу илони,
Меҳнаткаш эл бўкук белин кўтарди мағрур,
Термометр симобидай... Ўпар экан нур
Янги тарих қуёшидан унинг мантлайи,
Меҳнатидан айқиради энди бахт, сурур.
Далаларда машинанинг тетик нафаси,
Уфқларнинг зумрад кўксин ўпар пахтазор.
Чоллар-йигит, йигитчалар чақмоқдай ёнар,
Эркин меҳнат бахтли кўзда чўғ каби порлар.
Ироданинг қилич янглиғ ўткирдир дами.
Қайтиб келмас ва тирилмас мозий қабрдан,
Йўқчиликдан кафан ўртган скелет кунлар,
Кўзёши-ла жин чироғни ёндирган тунлар,
Бўшлиқларга юксалган у хаёл-тутунлар,
Елкаларда учқун ёнмас қамчи зарбидан.
Хонақоҳи ташлаб фикр фанларни мнди.
Электрон текширади кечаги чўпон.
Институт курсисини ўпар қиз-жувон,
«Капитал»нинг ҳар сатридан галалар учган
Фикрларни қувар тунлаб ёшлар киприги.
Яратилди бир шоҳ асар, гўзал бир достон,
Ғадир-будир меҳнат қўли биттандир бунн.
Келажакнинг баҳоридан олинган куйи,
Хаёлларга сиғмайди ҳеч бунинг мазмуни,
Қофиядир фабрикалар-ла қизлар қўшиғи,
Уқи ва сев! Бунинг исми ёш Ўзбекистон.

* *

Ўзбекистон етти йилликда

✦ Етти йиллик планда ҳар бир иттифоқчи республиканинг бундан кейинги тараққиёт йўллари белгиланган. Етти йилликликда Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш учун 35-36 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Шу йиллар ичида Ўзбекистон ССРда рангли металлургиянинг ялпи маҳсулоти 1958 йилдагидан 6,5 баравар, машинасозлик саноатининг маҳсулоти 1965 йилда 1,8 баравар кўпаяди.

✦ Республикамизда газ чиқариш 1958 йилдаги 172 миллион кубометрдан 1965 йилга бориб 18,5 миллиард кубометрга етказилади. Ўзбекистон гази билан Уралнинг катта саноат марказлари, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон таъминланади. Шунингдек етти йиллик планда кўмир чиқариш, нефть чиқариш, электр қуввати ҳосил қилиш яна ҳам тез суръатлар билан ривожланиши кўзда тутилган.

✦ Етти йиллик планда кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон ССР бундан буён ҳам Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолади. Пахта етиштиришни 3 миллион 600 минг — 3 миллион 800 минг тоннага етказиш мўлжалланади.

✦ Республикамиз чорвачилиги шу йиллар ичида айниқса тез ривожлантирилади. 1965 йилда гўшт етиштиришни 1957 йилдагига қараганда 2,1 баравар, сут етиштиришни 1,7 баравар, жун етиштиришни 1,5 баравар, қоракўл тери етиштиришни 1,3 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

✦ Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши натижасида меҳнаткашларнинг турмуш даражаси янада ошиб боради. Республика аҳолисининг истеъмол фонди етти йилликда 60-63 процент кўпаяди. Бир ишловчига ҳисоблаганда ишчилар ва хизматчиларнинг реал даромадлари ўрта ҳисобда 40 процент, колхозчиларнинг даромади эса камида 50 процент ошади.

✦ Республикада уй-жой қурилиши ва коммунал қурилишни янада кенгайтириш мўлжалланади. 1959-1965 йилларда тахминан 326 минг квартира қуриш кўзда тутилади. Шу йиллар ичида 420 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаб бинолари қурилади. Олий таълим ишлари янада ривожланади.

✦ Ўзбек халқи Коммунистик партия раҳбарлигида бу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун курашиб, етти йилликнинг биринчи йилида каттакатта ғалабаларни қўлга киритмоқда. Республикамиз саноати ўн ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Азамат пахтакорларимиз эса шу кунгача она-Ватанга 2,5 миллион «оқ олтин» сотди.

* *

Бизнинг совғамиз

Республикамиз халқ хўжалигининг тобора тез суръатлар билан юксалаётганлиги, янги завод ва фабрикалар, электрстанциялар ҳамда бошқа хил иншоотлар қурилишининг борган сари кенг қулоч ёйётганлиги металлга бўлган талаб ва эҳтиёжни янада оширди. Шунинг учун ҳам корхонамизда етти йиллик мобайнида пўлат ишлаб чиқаришни 13 процент, прокат тайёрлашни эса 38 процент ошириш кўзда тутилмоқда.

Топширилган вазифани бутун тўлалиги билан ҳис қилган Бекобод металлургларига свердловсликлар ташаббусига қўшилиб, қўшимча маблағ сарф қилмаган ҳолда етти йилликнинг охирига мўлжалланган кўрсаткичга муддатидан бир йил олдин эришишга қарор қилдилар.

Ҳозирги кунда корхона партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти коллективнинг бутун куч-ғайратини, ижодий ташаббусини прокат ҳамда пўлат ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ва шу асосда завод техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга сафарбар этмоқда.

Металлурглар давлат планларини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари кўплаб пўлат ва прокат маҳсулотлари бериш, республикамизнинг ташкил этилганига 35 йил тўлиши кунини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун курашиб, ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар. Коллектив бир йилдан кўпроқ муддат давомида Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақада олдинги ўринни эгаллаб келмоқда. Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз ва хизматчиларимиз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг қўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келаётирлар. Ҳар бир квартал-да биринчи даражали мукофот ҳам ўзбек металлургларига топширилаётир.

Шуниси қувончлики, металлургларимиз орасида коммунистик меҳнат бригадаси ва коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олиш учун бошланган кураш тобора авжига чиқмоқда. Бу мусобақада навли прокат стани мастери Саид Нуриддинов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари олдинда бормоқдалар. Улар ўтган 9 ой мобайнида ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, иш соатлари ва хомашёни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида 126 тонна металлни, 70 тонна мазутни ва кўп миқдорда электр қувватини иқтисод қилиб қолишга муваффақ бўлдилар.

Шунингдек И. Петров, И. Мадаминов, Б. Грошев, С. Тимонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари ҳам унумли меҳнат қилмоқдалар. Бу бригадаларда смена топшириқлари мунтазам равишда 105 процент ва ундан ҳам ошириб бажарилаётир. Заводда 9 ойлик топшириқ муддатидан олдин ортиғи билан адо этилди. Пўлат эритувчиларимиз ҳар бир квадрат метр ишлаб чиқариш майдонидан олинадиган эритманинг оғирлигини графикда белгиланганига қараганда анча оширишга муваффақ бўлдилар. Пўлат эритиш муддати ўрта ҳисобда пландагига қараганда 38 минут қисқартирилди. Мартенчиларнинг меҳнат унумдорлиги 2,1 процент ошди.

Корхонамизнинг бундай юқори кўрсаткичларга эришишида ижодкор рационализатор ва ихтирочиларимизнинг ҳиссаси катта. Уларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида корхона оладиган фойда бир неча юз минг сўмга кўпайди.

Ўзбекистон металлургларга кўп йиллардан буён Қозоғистон металлургия заводининг коллективи билан мусобақалашиб келмоқдалар. Бу мусобақа КПСС XXI съездининг қора металлургияни кескин суръатда ривожлантириш юзасидан қўйган вазифаларини муваффақият билан бажариш, етти йиллик учун белгиланган ғоят катта тадбирларни амалга ошириш йўлида яхши натижалар бермоқда.

Жонажон республикамиз оғир индустриясини янада ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхонамиз коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10 ойлик топшириғини ҳам муддатидан бир неча кун олдин адо этиб, пландан ташқари кўпгина пўлат ва прокат тайёрлаб берди. Бу, республикамиз 35 йиллик юбилейига бизнинг совғамиздир.

И. МУҲАММЕДОВ,
В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг директори.

ОКТЯБРНИНГ 42 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Меҳнаткашлар учун

— Меҳнаткашлар учун хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтирамиз!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маданий-маиший товарлар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда ассортиментини кенгайтириш ҳақидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида ана шу шиор асосида меҳнат қилаётган Чирчиқ шаҳар саноат комбинатининг коллективи янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш, янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш туфайли корхонада 10 ойлик топшириқ муддатидан илгари — 13 октябрдаёқ тўла бажарилган эди.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрнинг 42 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш мақсадида комбинат ишчилари ва инженер-техник ходимлари ой охиригача пландан ташқари 500 минг сўмлик турли хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият олган эдилар. Сўзи билан иши бир бўлган бу меҳнатсевар колектив ўз аҳдининг устидан чиқаётир. Ҳозиргача пландан ташқари меҳнаткашлар учун қарийб 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Янги техника кенг жорий қилинмоқда

Республикамиз пойтахтидаги радио лампа заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорларидан руҳланиб, етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш ҳамда арзон ва сифатли маҳсулот етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Коллектив ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, мавжуд асбоб-ускуналарни модернизациялаш, янги техникани кенг жорий қилиш, рационализатор ва ихтирочилар таклифларини кўплаб амалга оширишга катта эътибор бермоқда.

Шу йилнинг ўтган ойлари давомида бир қанча ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, янги ва қувватлироқ турли асбоб-ускуналарни фойдаланишга топшириш бўйича катта ишлар қилинди. Корхона цехларида жуда катта ҳажмда пайвандлаш ишлари олиб борилади. Бу ишни тезлаштириш ва унинг ҳаражатларини камайтириш мақсадида юқори унумли электр пайвандлаш пресслари ишлатила бошлади. Бундай пресслардан фойдаланиш корхонага ҳар йили ўнларча минг сўм фойда келтиради.

Ҳозир корхонада деталларни штамповка қилувчи автомат-агрегатлар ишлаб турибди. Бундай машиналар ёрдами билан бир йўла иккі хил детални тайёрлаш мумкин. Генератор лампаларини ишлашни автоматлаштириш бўйича муҳим тадбир амалга оширилди. Бунинг учун коллектив ижоди билан янги автомат агрегат тайёрланди. Бу ҳар йили ярим миллион сўмдан кўпроқ давлат маблағини тежаш имконини беради.

Ш. ЮСУПОВА.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Кишилар билан ишлаш муҳим вазифа

Тошкентдаги газ аппаратлари заводи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида партбюро секретари Ўртоқ Хачатурянц доклад қилди. Докладда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда ишда йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳам тилга олинди.

Лекин гал музокараларга келганда узоқ вақт жимжитлик ҳукм сурди, докладда фаолияти танқид қилинган коммунист Беликовнинг ўзини оқлаб чиқишини ҳисобга олмаганда, йиғилиш раиси «қани ким сўзга чиқади» иборасини бир неча марта тилга олди. Ниҳоят қистов билан музокаралар ҳам бошланди.

— Йиғилишга яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги докладдан ҳам, музокаралардан ҳам сезилиб турибди,—деди энг кейин сўзга чиққан Ўртоқ Павлий, — ахир биз партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган ишини муҳокама қилаётган эканмиз, масалага бетарафлик позициясидан туриб қарашга ҳеч қандай ҳақимиз йўқ. Менингча, докладда асосий масалалар юзаки ёритилди, ишга фойда берадиган принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид кам бўлди. Музокараларда чиқиб сўзлаган Ўртоқларнинг кўпчилиги умумий мулоҳазалар билан чекланиб қолди.

Завод коллективи етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун курашда бирмунча ютуқларга эришди. 9 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 107 процент қилиб бажарилди.

Бироқ, шу билан бирга кўп камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Завод 289 та газ плита қарз бўлиб қолди. Брак кўплиги, хомашё ва материалдан тежамли фойдаланмаслик туфайли ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 6,7 процент ошиб кетди, 9 ойда 75 минг 300 киловатт-соат электр қуввати беҳуда сарфланди.

Тошкентда тайёрланаётган бир газ плита 369 сўмга тушаётган бўлса, львовликлар бундан ҳамча сифатли плитани ишлаб чиқариш учун жами 225 сўм сарфламоқдалар.

Бундай камчиликлар ҳақида йиғилишда чиқиб сўзлаган завод директори Мясников, корхона касаба союз комитетининг раиси Попов, аравасозлик цехининг бошлиғи Ишевский ўртоқлар ҳам гапиришди. Лекин улар камчиликларни қуруқ санаб ўтиш билангина чекланиб, буларнинг сабаблари ҳақида ҳеч нима демадилар, содир бўлган нуқсонларни бартараф қилишга қаратилган амалий таклифларни киритмадилар.

Токарь Контарь, формаловчи Тўраев ўртоқлар меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани уюштириш ва унга раҳбарлик қилиш, ишчиларга нормал иш ва маданий-маиший шароит яратиб бериш сингари энг асосий масалалар билан деярлик шуғулланмаётганликлари учун партбюро ва касаба союз комитетини танқид қилдилар. Улар партия бюроси, завком ва маъмуриятнинг техникани тараққий эттириш, мавжуд ишлаб чиқариш майдони ва ускуналардан максимал фойдаланиш учун курашмаётганликларини кўрсатувчи қатор фактларни келтирдилар. Завком раиси, партбюро аъзоси Ўртоқ Попов бу танқидий мулоҳазаларни эшитишга эшитди-ю, ўзи йўл қўйган камчиликларни эътироф қилиш ўрнига, гапини шикоятдан бошлаб, ҳасрат билан тамомлади.

Тара цехининг бошлиғи Ўртоқ Беликов завод деворий газетасига редактор ва КПСС тарихини ўрганиш тўгарагига пропагандист қилиб тайинланган. Унинг партиявий топшириққа масъулиятсизлик билан қараётгани докладда ҳам танқид қилинди.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, завод партия ташкилоти коммунистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни жуда бўшаштириб юборган, кишилар билан ишлаш, айниқса коммунистларнинг активлиги ва авангардлик ролини ошириш масалалари билан жиддий шуғулланмаган.

Коммунист ўртоқ Горохнинг конкрет фактлар келтириб айтишича, цехларда ҳеч қандай оммавий-сиёсий иш олиб борилмайди, «Жанговар варақа» ва «Молния»лар чиқарилмайди, актуал темаларда суҳбат ва лекциялар ўтказилмайди, коммунистларнинг партиявий топшириқни қандай бажараётганларини контроль қилиб борилмайди. Кишилар билан ишлаш, уларга маданий-маиший шароит яратиб бериш завод партия ташкилотининг эътиборидан четда.

Завод партия ташкилотининг янги сайланган состави бундан ўзи учун фойдали хулоса чиқариб олиши ва кишилар ўртасида ишлашни бутун чоралар билан кучайтириши керак.

З. ИСРОИЛОВ.

«Узбекхиммаш» заводининг ишчиси Л. Исаевамнинг корхонада меҳнат қила бошлаганига фақатгина олти ой бўлди. Лекин у ана шу қисқа муддат ичида токарлик касбини пухта ўрганиб олди. Ҳозир эса смена топшириқларини 200 процентга етказиб бажараётир. Суратда: Л. Исаева иш устида.

О. Левак фотоси

«Чирчиқсельмаш» заводининг коллективи Р. Шайхалиевни қўчма гул ишчи дейдилар. Ҳақиқатан ҳам бу меҳнатсевар бирнеча касбнинг эгасидир. У ишлаб чиқариш топшириғини ҳам доимо 1,5 бараварга етказиб бажаради. Суратда: Р. Шайхалиев иш устида.

М. Комлев фотоси.

Амалий иш билан жавоб бермоқдалар

Шонли партиямиз Марказий Комитетининг байрамолди Чақириқларига амалий иш билан жавоб бериш учун астойдил меҳнат қилаётган Қорасув районидаги тикувчилик-пойафзал фабрикасининг коллективи иш суръатини тобора оширмоқда. Цехлараро социалистик мусобақани кенг авж олдириш ва илғорлар тажрибасини коллектив ўртасида оммалаштириш туфайли ойлик ва квартал топшириқлари муттасил ортиғи билан бажарилаётир.

Байрамолди социалистик мусобақасига қўшилган тикувчилар ва пойафзалчилар 10 ойлик топшириқни муддатидан 11 кун илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Байрамолди ғалабаларни янада кўпайтириш мақсадида коллектив ой охиригача қўшимча равишда 400 минг сўмлик турли хил кийим-кечаклар ва оёқ кийимлар ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Фабрика коллективи ўз мажбуриятини шараф билан бажараётир.

ПАХТА ТЕРИШГА ҚУРБИ ЕТГАН ҲАР БИР КИШИ ШУ КЕЧА-КУНДУЗДА ДАЛАДА БЎЛСИН!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта териш ва уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 21 октябрдан 26 октябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Гулистон районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. У. Укубоев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Т. Умаров,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Хўжаназаров,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Г. Г. Сутюшев**) қолдирилди. Бу район ўтган беш кун ичида давлатга планга нисбатан 6,69 процент миқдорида пахта сотган, йиллик планни 93,05 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 4774 тонна пахта терган ёки машинада пахта териш плани 74,59 процент адо этилган.

Пахта териш ва уни давлатга сотишда **Бекобод районининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Каримов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ғ. Қодиров,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ю. Пустов,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Қ. Қозоқбоев**) ўтган беш кунликда яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Бу район бўйича ўтган вақт ичида планга нисбатан 6,53 процент миқдорида пахта тайёрланиб, йиллик план 81,2 процент бажарилган.

Пахта йиғим-теримида яхши кўрсаткичларга эришган Сирдарё районидаги **«Социализм» совхозининг** (директори ўртоқ **К. Пўлатов,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **С. Шукуров,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Т. Тожибоев**) ўтган беш кунликдаги намунали иши кўрсатиб ўтилди. Бу совхоз бўйича ўтган беш кун ичида планга нисбатан 7,84 процент миқдорида пахта тайёрланган, йиллик план 97,05 процент ва машинада пахта териш плани эса 80,56 процент бажарилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Қуйи Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Сотиболдиев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Мерганов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **К. Исломов,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **В. Азизов**) берилди. Бу район бўйича ўтган беш кун ичида планга нисбатан 8,51 процент миқдорида пахта тайёрланган, йиллик план 96,51 процент бажарилган. Мавсум бошидан бери машинада 4565 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 152,17 процент бажарилган. Кўчма Қизил байроқ Орджоникидзе районидан олиб берилди.

Область партия, комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Юнусов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Тожиев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Б. Холмирзаев,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **О. Зокиров**) берилди. Бу район ўтган беш кун ичида давлатга планга нисбатан 7,15 процент миқдорида пахта сотган, йиллик планни 77,58 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 2646 тонна пахта терилган ёки машинада пахта териш плани 98 процент адо этилган. Байроқ Оққўрғон районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Пискент районидаги **«Пискент» совхозида** (директори ўртоқ **А. В. Киселев,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **М. Мирқобилов,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **А. Хайруллин**) қолдирилди. Бу совхоз бўйича ўтган беш кун ичида планга нисбатан 8,93 процент миқдорида пахта тайёрланган, давлат плани 85,58 процент ва машинада пахта териш плани 99,28 процент бажарилган.

Пахтани давлатга сотиш ва машина теримини намунали уюштиришда **Оққўрғон райсининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Р. Нишонбоев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Камолов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Тоғаев,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Х. Г. Валиев**) ўтган беш кунликда яхши ишлаганлиги кўрсатиб ўтилди. Оққўрғон райони ўтган беш кун ичида планга нисбатан 6,94 процент миқдорида пахта сотган, йиллик планни 83,70 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 6082 тонна пахта теридган ёки машинада пахта териш плани 96,54 процент бажарилган.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаган илғор теримчиларни, ишчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Гулистон, Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл районларига 5 минг сўмдан пул, илғор колхоз ва совхозларга сотиш учун бу районларнинг ҳар бирига 3 тадан автомашина ажратилди, шунингдек Бекобод районига ва Пискент районидаги «Пискент» совхозига 2 минг сўмдан пул берилди.

☆ ☆

Мусобақадош дугоналар

Пахтазорга оқшом чўка бошлади, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **А. Хайруллин**) қолдирилди. Бу совхоз бўйича ўтган беш кун ичида планга нисбатан 8,93 процент миқдорида пахта тайёрланган, давлат плани 85,58 процент ва машинада пахта териш плани 99,28 процент бажарилган.

Пахтани давлатга сотиш ва машина теримини намунали уюштиришда **Оққўрғон райсининг** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Р. Нишонбоев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Камолов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Тоғаев,** қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи ўртоқ **Х. Г. Валиев**) ўтган беш кунликда яхши ишлаганлиги кўрсатиб ўтилди. Оққўрғон райони ўтган беш кун ичида планга нисбатан 6,94 процент миқдорида пахта сотган, йиллик планни 83,70 процент бажарган, мавсум бошидан бери машинада 6082 тонна пахта теридган ёки машинада пахта териш плани 96,54 процент бажарилган.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаган илғор теримчиларни, ишчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Гулистон, Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл районларига 5 минг сўмдан пул, илғор колхоз ва совхозларга сотиш учун бу районларнинг ҳар бирига 3 тадан автомашина ажратилди, шунингдек Бекобод районига ва Пискент районидаги «Пискент» совхозига 2 минг сўмдан пул берилди.

— Сизлар қачон келаснзлар деб кутиб ўтираверар экан-ман, — хазилмуз деди табелчи, — агар ҳай-ҳайламасам тунда ҳам терадиганга ўхшайсизлар.

— Кутиб туришга тоқат қилолмасангиз, — ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Манзура, — ўрнингизни бўшатинг-да, теримга тушинг. Кутиб турадиганлар топилиб қолар.

Ҳа, бу жавобдан табелчи ўнғайсизланиб қолди. «Бу гапларни хурсанд бўлганлигимдан айтяпман, қойил қолмай иложим йўқ» деди у. Кейин манзуранинг бугунги терган пахтасини ҳисоблаб чиқди. 150 килограмм, Марбатники 145 килограмм, эшиттирди у.

Бугунги терилган пахта ҳар иккала мусобақадошнинг шу кунгача терган 9-10 тоннадан «оқ олтин»ига қўшиб жамланди. Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхоз аъзолари меҳнатсевар бу дугоналарни ана шундай ғайратларига қойил қолиб ҳурмат қилишади.

«Ингитлардай ғайратли бор бу қизларнинг», деб айтишади. Манзура билан Марбат мавсумда 15 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган. Улар шу кеча-кундузда, областимиз маррага яқинлашаётган долзарб кунларда ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш учун янада унумлироқ меҳнат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) Манзура Баширова ва Марбат Холмирзаевалар.

М. Шевелев фотоси.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Машиналар нега бекор турибди

1800 гектар ерда пахта ҳосили етиштирган Свердлов номли колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун актив курашаётирлар. Бироқ ҳозирги кунда давлатга териб топширилаётган ҳосил колхозда мавжуд бўлган имкониятларга қараганда анча кам. Негаки, бу ерда пахта териш машиналаридан яхши фойдаланилмаётир.

Йил бошида 600 гектар ерда етиштирилган ҳосил машинада терилади, деб қарор қабул қилинган эди. Терим бошланиш олдидан колхоз раҳбарлари мавжуд пахта териш машиналари катта майдондаги ҳосилни йиғиб олиш учун камлик қилади дейишиб РТСдан яна бешта машина сўрадилар. Колхозчилар бундан жуда хурсанд бўлишди. Аммо терим қизғин бошланган даврда колхоз раҳбарлари терим машиналарини ёддан чиқариб қўйдилар. Ажратилган майдоннинг фақат 105 гектарида 2—3 машина хўжакурсинга юриб турди.

Ҳозир колхозда 12 та пахта териш машинаси бор. Аммо уларнинг 4—5 таси доимо ишсиз туради. Айниқса, РТСдан кўп сурди-сурдилардан кейин олиб келинган 3 та машинанинг ишламай тургани хўжалик учун ортиқча чиқим бўлаётир.

Ишлаб турган пахта териш машиналарининг иш унуми ҳам жуда паст. Бунга ўртоқ А. Абдураҳмонов бошлиқ бўлган бригададаги аҳвол аниқ мисол бўла олади. Бригадада 4 та машина бор. Аммо уларнинг фақат 1 таси ишлаяпти. У ҳам бир кунда 800—850 килограммдан пахта тераётир, холос. Агар машиналарда йиғиб олинган ҳосилнинг ҳаммаси жамлаб кўрилса жуда ачинарли бир аҳвол дилни ғаш қилади. Шу кунгача хўжаликда ишлаб турган ҳамма машиналар 35 тоннага яқин пахта терибди. Айрим механизаторлар мавсумнинг бир ойи ўтиб қолганига қарамай, ана шу муддат ичида 1—1,5 тоннадан пахта терибдилар. Хўжаликнинг энг илғор механизаторлари эса мавсум бошидан бери хирмонга 4 тоннага етказиб пахта тўкишибди. Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда пахта териш машиналаридан ана шу зайлда фойдаланилаётир.

Шу нарсани унутмаслик керакки, машиналар пахта териш сўръатини кескин оширадиган қудратли агрегатлардир. Ишнинг кўзини билган раҳбарлар албатта уларнинг унумли ишлашини таъминлайди. Ахир пахта теримини машиналаштириш шу кунинг ҳам сиёсий, ҳам хўжалик аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларидан бирику! Буни унутмаслик керак.

А. ҲАКИМОВ,
А. ИМОМОВ.
Х. ИКРОМОВ.

Ишни қилган карнайчи,

балога қолган сурнайчи

4-бўлим пахта териш ва давлатга сотиш соҳасида 4-«Боёвут»да энг охирги ўринда бораяпти. Бунинг асосий сабаби шуки, раҳбарларнинг ўтакетган бепарволиги билан ишчи кучлари теримга тўла сафарбар қилинмаётир. Шунингдек, пахта териш машиналаридан ҳам унумли фойдаланилмаяпти.

Тўғри, бўлимда ишни қойил қилиб қўлётган бригадалар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўртоқ Усмон Абдурасулов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари 103 гектар ердан 20 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планни аллақачон бажардилар. Ҳозир бригадада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.

Теримнинг дастлабки кунларида бўлимнинг ҳамма бригадаларида ҳам иш дуруст эди. Пахта далаларида ҳашарчилардан ташқари 400—450 киши теримга сафарбар этилганди. Аммо ҳозирги кунда ана шу теримчиларнинг фақат 50 процента пахта тераётир. Афсуски бу теримчиларнинг ҳам анчагина қисми ишга кеч келиб, эрта қайтиб, кунлик топшириқларини бажармаётирлар. Шу сабабли кўп бригадаларда иш унумдорлиги анча пасайиб кетди. Масалан, Ҳамза Кўзибоев ва Омонкул Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадаларда илғарилари ҳар бир теримчининг терган пахтаси бир кунга 85—90 килограммданга тўғри келар эди. Ўша вақтларда бригадалар ҳар куни давлатга йиллик планнинг 3—4 проценти миқдорида пахта теріб топширдилар.

Ҳозирги кунларда аҳвол мутлақо бошқача. Ҳар бир теримчининг бир кунда терган пахтаси ўрта ҳисобда 35—45 килограммдан ортмаётир.

Бўлимда машина теримига етарли эътибор берилмаётир. Терим бошланиши арафасида бўлим агрономлари Эгамберди Нормуҳамедов ва Султон Сайдуллаев ўртоқлар машинада пахтани ана ундоғ терамиз, мана бундоғ терамиз деб, ваъда устига ваъда қилган эдилар. Аммо бу ваъда ваъдалигича қолиб кетаберди. Ҳозирги кунда совхоз пахта далаларида бўлсангиз, аҳён-аҳён ерда терим агрегатларининг бир ерда михланиб турганлигини кўрасиз. Натижада машиналарнинг иш унуми ниҳоятда пасайиб кетди. Мана бир мисол: ўртоқ Абдуҳошим Ҳасанов бошлиқ бригадага учта пахта териш машинаси бириктирилган. Ана шу машиналарнинг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда 335 килограммдан пахта тераётир. Бошқача қилиб айтганда, бўлимдаги айрим илғор теримчилар пахта териш машинасидан кўра кўпроқ пахта термоқдалар.

Хўш, пахта териш машиналарига нисбатан бу хилда қарашга нималар сабаб бўлаётир? Дастлаб шуни айтиш керакки, бўлим раҳбарлари машиналардан «норози» бўлаётирлар. Чунки бошқа хўжаликларда жуда унумли ишлаб, пахтакорларнинг оғирини енгил қилаётган терим агрегатлари бу бўлим далаларида «ўжарлик қилиб, ишламаётган» эмиш.

— Пахта териш машиналаридан ихлосимиз қайтди,— дейдилар бўлим агрономлари уялмай-нетмай.— Шунинг учун машина теримига ажратилган ерларнинг пахтасини қўлда тердираяпмиз.

Агрономлар айтаётган гапларнинг фақат энг кейингиси, яъни пахтасини машинада теришга мўлжалланган карталардаги ҳосилнинг қўлда териб олинаётганлиги тўғри. Қолганлари эса мутлақо куракда турмайдиган гап. Чунки машиналарни унумли ишлатиб, шу кунга қадар 60—70 тоннадан пахта териб қўйган механик-ҳайдовчилар бу бўлимнинг ўзида ҳам йўқ эмас.

Механик-ҳайдовчиларнинг республика съезди пахта теримида механизациядан унумли фойдаланиш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаб берган эди. Жуда кўп хўжаликларда ана шу тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиб, машина теримининг ўнгилдагидек ўтказилаётир. Шундай экан, 4-бўлим раҳбарларига қарата шуни айтиш мумкинки, улар пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидаги умумхалқ ишига тўсқинлик қилаётирлар. Агар аҳвол шу зайлда бораверадиган бўлса, бўлимда машина терими бўйича белгиланган план бажарилмай қолади. Бу тақдирда 4-бўлим раҳбарлари антимеханизаторлар сифатида қораланишлари турган гап. Ишни қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи, деб мана шуни айтадиларда.

Ҳасан ЗИКРИЛЛАЕВ.

Б О Ғ Д А Г У Л

(Пискент районидаги Ворошилов номли колхознинг илғор теримчисига)

Боғдагул гўёки боғдаги гулдай,
Лекин у, гул каби хазон бўлмайди.
Ватан ишқи билан урар юраги,
Пахтазор қўйнида яшнаб гуллайди.
Тарк этиб уйқуни қўёшдан аввал
Қулочин ёзади кенг дала томон.
У терган пахтага тўлар бир дамда
Увот четндаги каттакон хирмон.
Меҳнат вахтасида тетиқ ва бардам
Термоқда ҳар куни юз эллик кило.
Тиниқ чеҳрасида акс этар қўёш,
Ўйлаки меҳнатда мисли бир тилло.
Тиллардин-тилларга кўчиб мақтови
Жонажон кенг юртки шуҳрати тутар.
Унинг бу ҳиссаси коммунизмни —
Қуриш ишидаги ҳисобга ўтар.

Насрулло ДАВРОН.



Бу йил Бекобод районидаги «Победа» колхозида машина билан пахта теришга алоҳида эътибор берилди. Натижада колхоз йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарди. Кўплар қатори механик-ҳайдовчи Муса Мамашукуров ҳам ғайрат билан ишлаб, мавсумда ўзининг «СХМ 48 М» машинаси билан 85 тонна «оқ олтин» терди. Суратда: ўртоқ Муса Мамашукуров.

А. Заблоцкий фотоси.

РАҲМАТ СИЗГА, МЕҲНАТСЕВАРЛАР

— Педиатрия факультетининг 1-курс студенти Ҳамида Жўраева кеча 245 килограмм пахта терди. У 14 кун ичида 3 тоннадан ортиқ пахта териб, курсдошларини қойил қолдирди. Ҳамида мавсум охиригача 5 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди, — деб ёзади Тошкент Давлат медицина институтининг ўқитувчиси ўртоқ **П. Ҳамидов.**

Йиғим-теримда пахтакорларга катта ёрдам бераётган студент ва ўқувчиларнинг бундай олижаноб ишлари ҳақидаги хатлар редакциямизга кўплаб келиб турибди. Мана яна бир хат. Унда қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин:

— Чирчиқ шаҳридаги медицина билим юртининг 200 студенти Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорларига яхши ёрдам бермоқдалар. Улар колхозга келганларидан бери 450 тоннадан ортиқ пахта териб бердилар. Колхознинг пахта планини муддатидан илгари бажаришида чирчиқлик студентларнинг ҳиссалари ҳам бор.

Бу хатни газетхон **А. Шерматов** ёзиб юборган.

В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университети, Тошкент Қишлоқ хўжалиги, Физкультура, Чет тиллар педагогика, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларининг, Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникуми, музика мактаби студентлари йиғим-теримда намуна кўрсатиб ишлаётирлар. Бу олий ўқув юртларининг коллективлари область партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини, пул мукофотларини, ташаккурномаларини олишга сазовор бўлдилар. Мазкур коллективларнинг энг яхши теримчилари эришган муваффақиятларни газетхонлардан **Ф. Обидов, И. Мудаев, Е. Жўраев, М. Ёқубов, А. Акбаров, Б. Маҳмудов, С. Мусаев, С. Худойбердиев, Ю. Абдурауфов, Н. Нишонбоев, А. Қосимов, М. Мирзаахмедов, Т. Ҳакимов, У. Ҳайдаров, Ж. Саъдуллаев, Р. Абдумаликов** ўртоқлар ўз хабарларида ҳикоя қиладилар.

— Янгийўл районидаги 1-мактаб ўқувчилари мавсум бошидан бери 200 тонна пахта теріб бердилар,— деб ёзади ўртоқ **О. Қозоқбоев.** — Юқори синф ўқувчиларидан С. Маҳкамова, Н. Ашрапов, М. Ғуломов, Х. Исмоиловалар кунига 130-150 килограммдан пахта тераётирлар.

Ғанимат кунларнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланаётган колхозчилар ва совхоз ишчилари ёрдамчиларидан катта мадад олмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ёрдамчиларга яхши маданий-маиший шароит яратиб берганлар. Бу ҳақда ҳам редакциямизга хушхабарлар келиб турибди. Жумладан, Сирдарё районидаги 16, 49, Гулистон районидаги 12, 13, Оҳангарон шаҳридаги 15, Юқори Чирчиқ районидаги 13, Ўрта Чирчиқ районидаги 15, Янгийўл районидаги 50-мактаб ўқувчиларининг фидокорона меҳнат қилаётганлари ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилганлиги ҳақида газетхонларимиздан **Т. Бойзоқов, Х. Исаев, П. Тоншев, Х. Исҳоқов, Т. Хушназаров, Т. Раҳимов, М. Эшонқулов, Э. Гульметов, Н. Тўфонов, Ж. Жўрабоев** ўртоқларнинг хатларида хабар қилинади.

«Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студентлари орасида оммавий-сиёсий ишлар яхши ташкил қилинган. Факультетаро социалистик мусобақа кундан-кунга қизиб бормоқда. Улуғ Октябрнинг 42 йиллигига муносиб совға тайёрлаётган тарих-филология факультетининг студентлари Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхозда пахта термоқдалар. Бу факультетнинг 195 студенти ўтган ўн кунликда 500 тонна пахта терди. Ҳар бир студент ўрта ҳисобда кунига 93 килограммдан «оқ олтин» терди. Шунинг учун ҳам бу факультетга район партия комитети, колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти ҳамда институт маъмуриятининг кўчма Қизил байроғи берилди. Ўқувчиларга мукофот тариқасида минг сўм пул ва битта олтин соат ажратилди».

Бу хушхабарни газетхонлардан **М. Ортиқов, Х. Муқимов, С. Утанов** ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Бундай хабарларни ўқиган сари давлатга 3 миллион 50 минг тонна пахта етказиб беришдек умумхалқ ҳаракатига ўз ҳиссасини қўшаётган студент ва ўқувчиларга яна бир бор ташаккур айтинг келади.

Хатларга обзор

Омманинг ташаббусига таяниб...

Совет қурилиши

Меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон қишлоқ Совети КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошира бориб, депутатлар ва кенг меҳнаткашлар оммасининг активлигига таянган ҳолда колхоз ишлаб чиқаришига раҳбарликни анча яхшилади, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини, маданиятини оширишга боғлиқ бўлган ишлар билан чуқурроқ шуғулланиш бошлади.

Қишлоқ совети аппаратидаги ходимлар колхозларга чиқиб, ҳозиргача 10 тоннага яқин пахта теріб бердилар. Район марказидаги Оққўрғон қишлоғининг ташкилотга уюшмаган аҳолисидан ҳар куни 80-120 киши колхозларга чиқиб пахта термоқда. Уй-хўжалик ишлари билан шуғулланувчи Мирзақулова, Орипова, Назимхўжаева ва бошқа ўртоқлар Куйбишев номли колхозда кунига 50 — 60 килограммдан, ўртоқ Аъзамова кабі илғорлар эса 70 — 80 килограммдан пахта термоқдалар.

Меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон район Совети ва қишлоқ Советининг депутати, район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Султон Усмонов, қишлоқ Советининг депутати, Сталин номли ўрта мактабнинг илмий мудири Тўрапошша Ҳусанова ўртоқлар Куйбишев номли колхозда ўз коллективларига бош бўлиб пахта термоқдалар. Ўртоқ Усмонов бошлиқ 45 медицина ходимининг ҳар бири ўрта ҳисоб билан кунига 50 — 60 килограммдан пахта термоқда. Ўртоқ Ҳусанова бошлиқ ўқитувчи ва ўқувчилар коллективи ҳам медиклардан орқада қолмаётирлар.

Қишлоқ Советининг колхоз ишлаб чиқариши билан бевосита боғлиқ бўлган депутатлари қишлоқ хўжалигининг барча ишларида меҳнат унумдорлигини оширишда колхозчиларга намуна бўлмоқдалар. Депутат, актив жамоатчи, Ленин номли колхознинг аъзоси ўртоқ Ханифа Каримова мавсумда 10 тоннадан ортиқ пахта терди.

Пахта нобудгарчилигига қарши кураш қишлоқ Советлари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир. Оққўрғон қишлоқ совети территориясидаги колхозларда ҳам айрим бепарво колхозчилар ва колхозга алоқаси бўлмаган шахсларнинг моллари экинзорларга тушиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини пайхон қилишдек жамоат мулкига зарар етказиш ҳоллари рўй бермоқда. Қишлоқ Совети бундай ҳолларга йўл қўймаслик тадбирларини белгилади. Қишлоқ Совети депутатлар, жамоатчи активлар ва колхозчиларнинг ёрдами билан ғўзага молини қўйиб юборган шахсларни аниқлаб, уларни жавобгарликка тортди. Чуночи, Куйбишев номли колхоз аъзоларидан Арслон Нишонов, Ойимхол Усмонова, Жумагул Оққулова, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоларидан Маҳат Бутанов, Мусулмонқул Обидов ва бошқалар эътиборсизлик қилиб, ўз молларининг пахтазорга киришига йўл қўйганлар.

СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йилдаги «Экинларни пайхон қилганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақида»ги Фармонига асосан мазкур шахсларни жавобгарликка тортиб, улардан турли миқдорда жарима ундириб олинди, бундай ҳоллар такрорланса, мол эгалари жиноий жавобгарликка тортилиши огоҳлантирилди.

Оққўрғон қишлоқ Советининг депутатлари ва ходимлари бутун куч ва ғайратларини қолган ғанимат кунларда даладаги барча пахта ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш ва уни давлатга сотишда колхозчиларга ёрдам беришга сарфлайдилар.

С. УМУРЗОҚОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон қишлоқ Советининг раиси.

Ленин номидаги Ўрта сиё давлат университетининг география факультети студентлари Бўка районидаги Ильич номли колхозда пахта теришиб, умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: кунига 150 килограммдан оширган пахта тераётган студентлардан И. Назаров ва Т. Жўмаев ўртоқлар хирмонга терган пахталарини топширмоқдалар.

К. Шуҳрат фотоси.

А. И. МИКОЯН ФИНЛЯНДИЯДА

Президент Кекконен ҳузурида А. И. Микоян шарафига зиёфат

Дўстликка бағишланган мажлис

Озодлик куннинг 15 йиллиги байрам қилинмоқда

А. И. Микоянинг Финляндияда бўлиши

ХЕЛЬСИНКИ, 24 октябрь. (ТАСС). Бугун эрта билан СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян кабель заводига бориб, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан танишди, цехларни кўздан кечирди ва ишчилар билан суҳбатлашди.

А. И. Микоян билан бирга Финляндия савдо ва саноат министри А. Карьялайнен, СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССРнинг Финляндиядаги элчиси А. В. Захаров ва бошқа кишилар ҳам бор эди.

Заводга кира беришда А. И. Микоянни заводнинг бош директори Б. Вестерлунд кутиб олди ва цехларни кўздан кечириш вақтида изоҳ бериб турди.

Завод цехларидан бирида ишчиларнинг вакиллари тўпланиб турган эди. Улар СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосарини самимий табрикладилар. Завод ишчиларининг бош ишончли вакили В. Лайтинен А. И. Микоянга мурожаат қилиб, ҳурматли совет меҳмонини завод ишчилари, касаба союз ташкилоти ва «Финляндия-Совет Иттифоқи» жамиятининг бўлими номидан самимий табриклади.

Тинчлик ва халқлар ҳамкорлиги мақсадини кўзлаган кўпгина таклифлар ва тадбирлар учун Сизнинг ҳукуматингизга завод ишчилари номидан ташаккур изҳор қилишимизга ижозат бергайсиз, — деди В. Лайтинен. Амин бўлишингиз мумкинки, заводимиз ишчилари бу тадбирларни тамомила қўллаб-қувватламоқдалар ҳамда мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун сизлар билан биргаликда қатъий кураш олиб бормоқдалар.

А. И. Микоян самимий табриклари учун ишчиларга ташаккур изҳор қилади. Совет ҳукумати, дейди у, ҳамма халқларга тинчлик бўлиши учун курашмоқда. Биз Финляндия халқи ва ҳукуматининг ҳам тинчлик учун курашаётганлигини биламиз. Биз бунга жуда хурсандмиз. Бизлар қўшнилармиз ва дўст бўлиб яшашимиз керак. Бизнинг ўртамизда низоли масалалар йўқ.

Заводни кўздан кечириб бўлгандан кейин А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари заводнинг ҳурматли меҳмонлар дафтарига қўл қўядилар.

Бугун А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқининг заказига мувофиқ, «Вяртсиля» концернни томонидан қурилаётган янги «Ленинград» музёрарини сувга тушириш тантанали маросимида қозир бўлдилар.

Маросимда Финляндия бош министри В. И. Сукселайнен, Савдо ва саноат министри А. Карьялайнен ва бошқа расмий кишилар ҳам бор эди.

Кемасозлик корхонасининг ишчилари ва Хельсинкининг жуда кўп аҳолиси олдида СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев янги кемаларнинг сувга туширилишини қутлаб, традицион маросимни адо этади. У шампань виноси солинган шишани кема бурнига уриб синдиради ва кема шу пайтдаёқ ўрнидан қўзғолиб, сувга тушади. «Ленинград» номи берилган янги музёрар олдига буксир кемалар келиб, уни кемалар тўхтайдиган девор ёнига олиб бориб қўядилар. Бу ерда кемани пардозлаш ишлари ўтказилади.

Кемасозлик корхонасининг бир группа ишчилари А. И. Микоян олдига келадилар. Ишчи Л. Линдберг А. И. Микоянга мурожаат қилиб, қисқача нутқ сўзлайди.

Биз, кемасоз ишчилар, дейди у, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ижобий ривожланаётганлигидан мамнун эканлигимизни билдирамиз. Бу муносабатларнинг ривожланиши бизлар учун иш билан таъминланиш ва тириқчилик учун реал маблағларга эга бўлиш демакдир. Биз, деб давом қилади Линдберг, ўзаро савдо-сотиқни ва ишончга асосланган муносабатларни ривожлантиришнинг Сизнинг ҳукуматингиз таклиф этган йўли халқларнинг тинчлигини ва фаровонлигини ҳал қилувчи даражада таъминлашини биламиз.

А. И. Микоян Совет ҳукуматига ва совет халқига қарата айтилган самимий сўзлар учун корхона ишчиларига ташаккур изҳор қилади. Сизлар билан бизлар, дейди у, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчлик учун кураш олиб бормоқдамиз.

«Ленинград» музёрарини сувга туширш маросимидан кейин «Вяртсиля» концернининг бош директори В. Вальфорс А. И. Микоян ва бошқа совет меҳмонлари шарафига зиёфат берди. Зиёфат вақтида В. Вальфорс ва А. И. Микоян нутқ сўзладилар.

СССР билан Финляндия ўртасида тобора ривожланаётган дўстона муносабатлар социал-иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва самарали ҳамкорлик қилиш намунасидир, бундай ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли бўлиши намунасидир, деди СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян.

Бундай муносабатлар қўшни халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Улар ер юзидаги барча халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга ҳизмат қилади, дейди А. И. Микоян.

Бугун биз, деди А. И. Микоян, «Ленинград» музёрарини сувга туширш маросимида қатнашувимиздан жуда хурсанд бўлдик. СССР учун қурилаётган ва 22 минг от кучига эга бўлган бу иккинчи музёрар жаҳонда энг кучли дизель-электр музёрардир. Бу караблга, деб давом қилди у, халқимизнинг тақдирини ўзгартирган ва Финляндияга мустақиллик берган Улуг Октябрь социалистик революциясининг бешинчи бўлган шаҳарнинг, Ленин Финляндия мустақиллиги ҳақидаги декретни имзолаган шаҳарнинг номи берилди. Ўша вақтдан бери, деб давом қилди А. И. Микоян, Финляндия мустақил давлат бўлиб равнақ топмоқда.

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Финляндияда кемасозликдаги ва кемасозлик корхоналарини такомиллаштиришдаги ютуқлар Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги хўжалик муносабатларининг муваффақиятли ривожланиши вазиятда юз бермоқда, деб таъкидлади.

А. И. Микоян тинчликни мустаҳкамлашдан барча катта ва кичик халқлар манфаатдор эканлигини уқтириб ўтиб, Н. С. Хрушчевнинг АҚШга қилган сафари, унинг Америка сиёсий арбоблари билан, савдо-саноат доиралари ва оддий кишилари билан учрашувлари, шунингдек Совет Иттифоқининг ёпонсига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги таклифлари муносабати билан бутун дунёда баён этилган фикрлар кишиларнинг тинчликка интилаётганлигини ҳамда ўзларининг ва ўз болаларининг тинчлик шароитида яшашларига умид боғлаётганликларини кўрсатади, деди.

Пировардида А. И. Микоян СССР билан Финляндия ўртасидаги хўжалик ҳамкорлиги иккала мамлакатнинг бахт-саодати йўлида, умумий тинчлик йўлида бундан буён ҳам давом этади, деб ишонч билдирди.

• • •

ХЕЛЬСИНКИ, 25 октябрь. ТАСС мухбири П. Коновалов хабар беради:

Финляндия ҳукуматининг таклифига биноан, бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян бугун Котка шаҳрига борди. А. И. Микоянга Финляндия бош министри В. И. Сукселайнен, Финляндия савдо ва саноат министри А. Карьялайнен, Финляндиянинг СССРдаги элчиси Э. А. Вуори ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлмоқдалар. А. И. Микоян билан бирга СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССРнинг Финляндиядаги элчиси А. В. Захаров ва бошқа совет вакиллари ҳам сафар қилмоқдалар.

Ҳаво ёмон бўлишига қарамай, Коткага қадар бутун йўл давомида рўпарадан келувчи машиналар тўхталиб, улардаги кишилар А. И. Микоянни ва унинг ҳамроҳларини табриклаш учун машиналардан чиқдилар.

А. И. Микоян ва бошқа меҳмонлар Котка шаҳри яқинидаги Сумма қоғоз фабрикасида тўхтайдилар. Давлат акционер ширкати «Энсо-Гутцейт»га қарашли бу фабрика йилига 200 минг тонна газета қоғози ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналардандир. Фабрикада 700 киши ишлайди. А. И. Микоян ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечириб, ишчиларнинг гоят унумли ишлаётганлигини таъкидлайди.

Сўнгра машиналар бу фабриканинг инженерлари, мастерлари ва ишчилари яшаётган посёлка орқали ўтади. Бу ерда А. И. Микоян ва В. И. Сукселайнен мастер Венялайненнинг уйида бўлдилар. Коткага бораётганда меҳмонлар Коткага сут маҳсулотлари етказиб берувчи сут заводини ҳам кириб кўрдилар. А. И. Микоян завод директоридан ишлаб чиқариш процессини, заводдаги иш шароитини батафсил суриштириб билади.

Шундан кейин меҳмонлар Котка шаҳрининг клубига келадилар. Бу ерда «Энсо-Гутцейт» акционер жамиятининг бошқарувчи директори В. Лехтинен зиёфат берди. Зиёфатда В. Лехтинен, А. И. Микоян, В. И. Сукселайнен ва бошқалар нутқ сўзладилар.

Зиёфатдан кейин меҳмонлар шаҳар маъмурлари ва «Энсо-Гутцейт» акционар ширкатининг раҳбарлиги вакиллари билан бирга қоғознинг техник сортларини ишлаб чиқарадиган заводни кўздан кечирдилар. Цехлардан бирида А. И. Микоян олдига завод ишчиларининг вакиллари келдилар. Завод ишчиларининг бош ишончли вакили Хейккля А. И. Микоянни табриклайди. У, совет халқига салом топшириб, фин ишчилари Совет Иттифоқида социализм қурилишини қизиқиш билан кузатиб бормоқдалар, деди. Биз, деб таъкидлади у, Совет Иттифоқининг муваффақиятларидан қувонмоқдамиз. Биз Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига ва биринчи навбатда савдо-сотиқнинг ривожланишига тарафдормиз. Пировардида Хейккля А. И. Микоянинг Коткада бўлиши фин ва совет халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб умид билдирди. У А. И. Микоянга фин байроқчасини совға қилди.

А. И. Микоян Совет Иттифоқи шаънига айтилган самимий дўстлик сўзлари учун ишчиларга ташаккур изҳор қилди ва совет халқи халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик бўлишини истайди, деди. У, тақдим этилган байроқча учун раҳмат айтди ва бу байроқчани фин-совет дўстлигининг символи сифатида Совет Иттифоқига олиб кетаман, деб ваъда берди.

Сўнгра меҳмонлар портга борадилар, порт иншоотлари билан танишадилар. Порт директори Шеблум Котка шаҳри экспорт бўйича Финляндиянинг энг йирик порти эканлигини айтади. Меҳмонлар портни кўздан кечирганларидан кейин шаҳар бошқармаси биносига кирадилар. Бу ерда шаҳар бургомистри М Виитанен шаҳар маъмурлари номидан А. И. Микоянни ва бошқа расмий кишиларни табриклайди ҳамда уларни шаҳар бошқармасининг фаолияти билан таништиради.

Кечқурун шаҳар маъмурлари А. И. Микоян шарафига катта қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросимидан кейин А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари яна Хельсинкига қайтиб кетдилар.

Котка шаҳридан жўнаб кетиш олдидан А. И. Микоян В. И. Ленин яшаган уйдаги хотира тахтасини бориб кўрди.

Финляндия Республикаси президенти У. К. Кекконен ҳузурида А. И. Микоян шарафига зиёфат

ХЕЛЬСИНКИ, 25 октябрь. (ТАСС). Финляндия Республикаси президенти У. К. Кекконен СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микояннинг бу ерда меҳмон бўлиб туриши муносабати билан кеча зиёфат берди. Зиёфатда Финляндия бош министри В. И. Сукселайнен, СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Финляндия савдо ва саноат министри А. Карьялайнен, СССРнинг Финляндиядаги элчиси А. В. Захаров ва Финляндиянинг СССРдаги элчиси Э. А. Вуори ҳозир бўлдилар.

ГЕРМАН-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ МАЖЛИСИ

БЕРЛИН, 24 октябрь. (ТАСС). Берлинда Герман-Совет дўстлиги жамияти марказий правлениесининг мажлиси бўлиб ўтди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан марказий правление ана шу байрамни Герман-Совет дўстлиги намойишига айлантириш учун актив ёрдам беришга чақириб, жамиятнинг барча аъзоларига мурожаат қилди.

Марказий Правление Ғарбий Германия демократик ташкилоти — «Нацизм вақтида таъқиб қилинган кишилар бирлашмаси» ташкилотини тақиқ қилиш планларига қарши қатъий норозилик билдирди. Марказий правление Совети Львов шаҳрининг жуда кўп тинч аҳолисини ўлдиришда жавобгар бўлган Ғарбий Германия министри Оберлендорнинг дарҳол судга берилишини ҳам талаб қилди.

СОВЕТ АРМИЯСИ ШИМОЛИЙ НОРВЕГИЯНИ ОЗОД ҚИЛГАН КУННИНГ 15 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШ

КИРКЕНЕС, 26 октябрь. (ТАСС). Кеча Шимолий Норвегия аҳолиси немис-фашист оккупантларидан озод қилинган куннинг 15 йиллигини тантанали суратда нишонлади. Норвежлар ўзларини гитлерчи босқинчиларидан халос қилган совет жангчиларини чуқур миннатдорчилик туйғулари билан эсга олмоқдалар.

Юбилей тантаналари муносабати билан Киркенесда, халоскор совет жангчилари хотирасига қурилган улуғвор ҳайкал олдида кўп кишилик митинг бўлди.

Митингни очган Киркенес шаҳри бургомистри В. Микельсен Норвегия мудофаа министрлигининг статс-секретари Э. Химлега сўз беради. У, бундан 15 йил муқаддам, шу ерда, Финмаркенда, Норвегияни озод қилишга асос солинганлигини эслатиб ўтади.

Норвегия халқи, дейди Химле, бу кунни Норвегиянинг озодлик курашидаги бурилиш пайти сифатида нишонламоқда.

Э. Химле Шимолий Норвегияни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари ҳайкали ёнига Норвегия ҳукумати номидан гулчамбар қўяди.

Юбилей тантаналарига келган Совет делегацияси номидан, Шимолий Норвегияни озод қилиш учун олиб борилган жангларнинг қатнашчиси генерал-лейтенант К. С. Грушевой сўзга чиқди. У бундан 15 йил муқаддам, совет қўшинлари дўстлик ва ҳамкорлик бурчларини адо этиб, умумий душманга қарши қаттиқ жанг қилиб, Норвегия тупроғига ўзгаларнинг территориясини босиб олиш учун эмас, балки норвеж халқига фашистлар зулмини улоқтириб ташлашда ёрдам бериш учун кириб келган эдилар, деди.

Генерал-лейтенант К. С. Грушевой тинчлик учун, Норвегия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун курашни кучайтиришга даъват этди.

Совет делегациясининг раҳбари — меҳнаткашлар депутатлари Мурманск область Совети ижроия комитетининг раиси Н. Д. Коновалов ва генерал-лейтенант К. С. Грушевой совет жангчилари ҳайкали ёнига Совет делегацияси номидан гулчамбарлар қўйдилар. Шунингдек, маҳаллий гарнизон қўмондонлиги ва «Варангер» батальонининг қўмондонлиги ҳам гулчамбарлар қўйди.

Норвегия ва Совет Иттифоқи давлат гимнларининг тантанали садолари янгради.

Бугун «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газетасида

Биринчи бетда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Чорва мол ва паррандa тўштидан маҳсулот тайёрлашни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ва Улуғ Октябрнинг 42 йиллигига бағишланган хабарлар босилган.

Иккинчи бетда Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилган куннинг 35 йиллигига бағишланган хабарлар, А. И. Микояннинг Финляндияда бўлиши тўғрисида хабарлар босилган.

Учинчи бет «Малик» совхози механизаторларининг меҳнат муваффақиятларига бағишланган.

Тўртинчи бетда «Надежда Казанцева куйлайди» деган сарлавҳа остида тақриз, бир қаича маҳаллий ва чет эл хабарлари бор.

Тошкент янгиликлари

ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН КИНОФЕСТИВАЛЬ

Округ офицерлари уйи кинотеатри залида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигига бағишланган кинофестиваль катта муваффақият билан ўтмоқда. Кинофестиваль кунларида тамошабинлар «Ленин Октябрда», «Чапаев», «Чин инсон ҳақида қисса», «Ташвишли баҳор» каби бадиий филмларни кўришади.

Сеанслар бошланмасдан олдин Улуғ Октябрь ҳақида, жонажон Коммунистик партиямиз тарихи тўғрисида, она-Ватанимизнинг гуллаб яшнаётгани ҳақида қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Кинофестиваль бир ҳафта давом этади.

Ярмаркага марҳамат

Ўтган якшанба куни Октябрь ва Олой колхоз бозорлари харидорлар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу жойларда кузги қишлоқ хўжалик ярмаркаси очилди. У 10 ноябргача ишлаб туради. Шаҳар атрофидаги колхоз ва совхозлар ярмаркага кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирмоқдалар. Олой бозорида ташкил этилган ярмаркани Қорасув, Бўстонлиқ районларининг сабзавотчи колхозчилари картошка, узум, гўшт, тухум, карам, пиёз ва бошқа-маҳсулотлар билан таъминлаб турадилар. Бундан ташқари Фарғона, Хоразм ва Самарқанд областларидан ҳам маҳсулотлар келтирилди. Узоқ жойдан келган деҳқонлар учун 50 ўринли меҳмонхона ҳозирланган. Харидорларга ўнга яқин буфет, ошхона, чойхона хизмат кўрсатмоқда. Ярмарканинг биринчи куни Олой бозорида 50 тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.

Октябрь колхоз бозоридаги павильонларда шаҳар атрофига жойлашган Охунбобоев номли, Сталин номли, Карл Маркс номли, Собир Раҳимов номли ва бошқа колхозлар, «Назарбек», «Тошкент» совхозларида етиштирилган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилмоқда.

Мўл-кўлчилик бозори — ярмаркага марҳамат.

Суратда: Олой бозоридаги ярмаркага колхозлардан маҳсулот келтирилмоқда.

20 дан ортиқ маданият университети

Меҳнаткашларнинг маданий савияларини ошириш учун интилишлари кундан-кун ортиб бормоқда. Кишиларнинг ана шу талабларини қондириш мақсадида илм олишнинг янги, оммабоп формаси бўлган маданият университетлари тобора қўплаб ташкил қилинмоқда.

Тошкент шаҳрининг ўзида ҳозир 21 маданият университети ишламоқда. Уларда ҳаммаси бўлиб 47 факультет бор. Пойтахтимиздаги корхона ва муассасаларнинг ишчилари, хизматчилари ҳамда уларнинг онла аъзоларидан иборат 4 мингдан зиёдроқ киши ахлоқ, эстетика, адабиёт ва санъат, музика, фан ва техника каби факультетлардаги машғулотларга мунтазам қатнашиб ўз савиясини ошир моқда.

Шаҳарнинг Куйбишев ва Фрунзе районларидаги маданият университетлари машғулотлари жуда қизиқарли ўтаётир.

Москва солистласи Навоий театри саҳнасида

Станиславский ва Немирович-Данченко номидаги Москва театрининг солистласи Зинаида Тахтарова Тошкентга гастролга келди. У Алишер Навоий номли театр саҳнасида Бизенинг «Кармен» операсида Кармен партиясини ижро этди. Солистка бу ерда бугун ва 29 октябрда «Кармен» спектаклида яна қатнашади ва концерт беради. Унинг концерт программасида Бородин, Чайковский, Рахманинов ва бошқа классик композиторларнинг камер ва якка ижрочига мўлжалланган асарлари бор.

Москва солистласи Зинаида Тахтаровaнинг ижрочилик маҳоратига пойтахтимиз тамошабинлари яхши баҳо бермоқдалар.

Ўзбекистонда ер қимирлади

25 октябрда Ўзбекистонда ер қимирлади. Тошкентда ернинг биринчи қимирлаши соат 5 дан 40 минут-у 49 секунд ўтганда, иккинчи қимирлаши олти секунддан кейин ва учинчи қимирлаши ўн олти секунддан кейин бўлганлиги қайд қилинди. Тошкентда ер қимирлашининг кучи беш баллга баравар бўлди.

Сейсмик тармоқларининг маълумотларини дастлабки ишлаб чиқиш натижасида ер қимирлашининг маркази аниқланди. Унинг маркази Тошкентдан қирқ — эллик километр шарқи-шимолда жойлашган. Бу ерда ер қимирлашининг кучи олти баллга еттан, деб мўлжалланади.

Тошкент сейсмик станциясида ЎзТАГ мухбирига хабар қилиниши-ча, кучли ер қимирлаш марказининг Ўзбекистон пойтахтига яқин жойда бўлиши — жуда кам учрайдиган ҳодисадир. (ЎзТАГ).

Телевизор экранида

27 ОКТЯБРДА

19.00. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт.

20.00. Алишер Навоий номли театрдан Станиславский ва Немирович-Данченко номли театри солисти Зинаида Тахтарова қатнашувида «Кармен» операси олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

Об-хаво маълумоти

Кеча Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлди. Кундуз соат 3 да Тошкентда 21, областда 21 — 25 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб туриши айтарлик ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Шимоли-ғарб томондан шамол эсиб туради. Тошкентда 14 — 16, областда эса 13 — 18 даража иссиқ бўлади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/Х да **Холисхон**, 28/Х да **Йўлчи юлдуз**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/Х да **Кармен**, 28/Х да **Маскарад**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 31/Х дан 24/XI гача **Олег Лундстрем** қўл остидаги **жазоркестр концертлари**. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 28/Х да РСФСРда хизмат кўрсатган артист **П. Маяцкий** раҳбарлигида **Украин давлат цирки артистлари гастролининг** давоми ва **Анатолий Шаг** труппасининг **гастроллари**. Кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Қуёш ҳаммага нур сочади**, кеч соат 9 да кенг экранли фильм **Ягона сафда**.

«ОКТЯБРЬ» — **Юлдуз**.

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», ПУШКИН номли — **Қуёш ҳаммага нур сочади**.

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Иртиш қирғоқларида**, кундуз соат 3-20 минутда **Дала бўлбули**, кеч 7 да **Фурқат**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 8 да **Қуёш ҳаммага нур сочади**, кеч 10 да **Бечора севимли онам**.

КАФАНОВ номли — **«Комета» матроси**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Қуёш ҳаммага нур сочади**, кундуз соат 2 ва кеч 6-15 минутда **Иртиш қирғоқларида**.

СТЕПАН РАЗИН номли — кеч соат 7 да **Сенинг йўлингда**, кеч 8 яримда **Иртиш қирғоқларида**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 ва 29 октябрда

концерт

Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова**, Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Гафур Иноғомов, Аббос Баҳромов**, солистлардан **Раҳима Ҳакимова, Тўхта Йўлдошева, Эргаш Йўлдошев** ва «Баҳор» халқ рақс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1960 йил учун

ЯККА ОБУНА

қабул қилиш

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимларида ва конторларида, шунингдек корхона, муассаса, ўқув юртлари, маданий-оқартув ташкилотлари ва бошқа муассасалардаги жамоатчи обуна вакиллари ҳамда почтальонлар томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИДА

Хованскийчилар

НОМЛИ ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.

М. Мусоргскийнинг музикали халқ драмаси.

Музика — **Д. Шостакович** таҳририда.

Фильм сценарийсининг авторлари — **Анна Абрамова** ва **Дмитрий Шостакович (Вера Строева** иштирокида).

Постановкачи — режиссёр **Вера Строева**.

Оператор — **В. Домбровский**.

Ролларда:

А. Кривченя, А. Григорьев, А. Масленников, С. Колитпин, Л. Ктиторов, Д. Бедросян, В. Гаврюшов, Ю. Горбунов, А. Николаев, М. Шкапцов, В. Петров, Е. Кибкало, В. Нечипайло, Ф. Годовкин, И. Ионов, Л. Маслов, А. Серов, И. Сипаев, И. Хапов, М. Рейзен, К. Леонова, Н. Захаров, С. Бекасов, В. Громова, Г. Панков, Л. Гриценко, Майя Плисецкая, Ф. Фокин, Т. Черняков, Ю. Дементьев, Л. Гаврилюк, И. Зорина, Л. Новосёлова, Г. Савченко, Е. Саньколар қатнашади.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1959 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048. 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 09092. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1879.